

АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ

*Ўзбекистон кутубхоналари ишининг
2002 йилги обзори*

ТОШКЕНТ – 2003

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ

*Ўзбекистон кутубхоналари ишининг
2002 йилги обзори*

ТОШКЕНТ-2003

78.34 (5У)

Ў 26

Илмий - методик бўлим томонидан тайёрланди

Тузувчи:

О. Қиличбоев

Муҳаррир:

Ғ. Маматраимова

Матн терувчи:

З. Жалилова

Ў26 Ўзбекистон кутубхоналари ишининг 2002 йилги обзори
/Тузувчи: О.Қиличбоев.-Т.; 2003.-43 б.
Сарлавҳада: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси

Ушбу обзорда Маданият ишлари вазирлиги тизими кутубхоналарининг 2002 йилги иш фаолиятлари батафсил, яъни кутубхона фондини ташкил қилиш ва у билан ишлаш, китобхонларга хизмат кўрсатиш, методик фаолияти, библиографик хизмат, ўлкашунослик ишлари, йўналишлари бўйича фактлар асосида таҳлил қилинди. Улар фаолияти жадваллар билан янада яққолроқ таққосланди. Кадрлар, моддий техник негизи ҳақида фикрлар юритилди. Бошқа вазирликлар кутубхоналари тўғрисида умумий рақам кўрсаткичла-и келтирилди.

ББК 78.34 (5У)

№ 527-2003

**© Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси**

МУҚАДДИМА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси республикамиздаги барча кутубхоналарга кутубхонашунослик ишлари соҳасида методик марказ қилиб белгиланганлигини инобатга олиб, 2002 йилдан бошлаб вилоят кутубхоналарининг ҳисоботлари обзорига бироз қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритилди.

Обзорда Маданият ишлари вазирлиги тизими-даги оммавий кутубхоналаридан ташқари, бошқа вазирликларнинг кутубхоналаридан олинган статистик маълумотлар бу кутубхоналар фаолиятини кенгроқ таҳлил қилиш учун етарли бўлмаганлиги сабабли бу маълумотлар таҳлилимиздаги умумий рақам кўрсаткичларига қўшилди, холос. Келгусида у кутубхоналардан ҳам маълумотларни тўлиқроқ олиш ва кейинги йиллар-даги обзорларда улар фаолиятини ҳам батафсил таҳлил қилиш асосида иш тажрибаларини ёритиб бериш ниятидамиз.

Ҳисоботлар юзасидан фикр-мулоҳазаларимизни қуйидаги бўлимларда ёритдик.

Кутубхоналар фаолияти ҳақида маълумот

2003 йилдан бошлаб ҳар йили Илмий - методик бўлими республикамиз кутубхоналари фаолиятини тўлиқ ўрганишни режалаштирди. Шу мақсадда тегишли вазирликларга мурожаат қилиб кутубхоналар тўғрисида маълумотлар тўпланди (иловага қаралсин). Шу сабабли 2001 йилги обзордаги келтирилган жами кутубхоналар сонига бу йил ўзгаришлар бўлди. Келгуси йилларда кутубхоналар фаолияти ҳақида янада тўлиқроқ маълумот

мот бериш ниятидамиз. Айрим вазирликлар томонидан маълумотлар тўлиқ берилмаганлиги сабабли улардан фойдаланилмади.

Бугунги кунда республикамызда 16000 дан ортиқ кутубхона фаолият кўрсатмоқда.

Маданият ишлари вазирлиги тизимидаги оммавий кутубхоналар сони 5735 тани (2003 йил 1 январь маълумоти бўйича*) ташкил этади. Шундан болалар кутубхоналари сони 510 та, шу жумладан 10 та вилоят болалар кутубхонаси, кўзи ожизлар кутубхоналари сони эса 67 та, шу жумладан 6 та вилоят кўзи ожизлар кутубхонасини ташкил этади. 12 та вилоят универсал илмий кутубхонаси (ВУИК), 5 та Республика кутубхоналари: Давлат болалар кутубхонаси ва Республика кўзи ожизлар кутубхонаси, Қорақалпоғистон Республикаси Республика кутубхонаси, Қорақалпоғистон Республикаси Республика болалар кутубхонаси, Қорақалпоғистон Республикаси кўзи ожизлар кутубхонаси.

Марказий кутубхоналар тизими (МКТ) сони 207 та. Кишлоқ кутубхоналари сони эса 4735 тани ташкил этади.

Самарқанд вилояти бўйича кутубхоналар сони бу йил 6 тага қисқарган, Қорақалпоғистон Республикаси бўйича эса, аксинча, кутубхоналар сони 13 тага, Фарғона вилояти бўйича 11 тага, Наманган ва Қашқадарё вилоятларида 3 тага, Навоий вилояти бўйича 2 тага кўпайган. Ўтган йилга нисбатан 2002 йилда кутубхоналар сони 25 тага кўпайган. Бу ҳукуматимиз томонидан халқимиз маънавиятини янада ўстиришга, қолаверса кутубхоналарга берилаётган эътибордан далолатдир.

* Кейинги келтирилган рақамларнинг барчаси (2001 йил деб кўрсатилгандан ташқари) 2003 йил 1 январигача бўлган маълумотлардир.

Баъзи сабабларга кўра Жиззах, Навоий, Сурхондарё, Қашқадарё ВУИКлари ва Тошкент шаҳар “Билим” МКТ Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг Илмий методик бўлимига 2002 йилнинг йиллик режа ва ҳисоботларини топширмаганлиги сабабли биз бу кутубхоналар фаолиятига тўхталмадик.

Кутубхоналар фондини ташкил қилиш ва у билан ишлаш

Кутубхона ишининг муваффақияти унинг фондига керакли барча адабиётларни танлаш, китоб-ларнинг китобхонлар оммасига етиб боришини тўғри ташкил этиш ва кутубхона фондининг тўлиқ тўқисла-нишига боғлиқдир.

Юқорида келтириб ўтилган жами 16000 дан ортиқ кутубхоналарнинг фондида бугунги кунда 150000.0 минг нусхага яқин турли фан соҳаларига оид адабиётлар сақланмоқда. Шундан 50000.0 минг нусхага яқини ўзбек тилидаги адабиётлардир.

Маданият ишлари вазирлиги тизимидаги оммавий кутубхоналар (5735 та) фондидаги адабиётлар сони 57928,8 минг нусхани ташкил этади. Шундан 27726,1 минг нусхаси ўзбек тилидаги адабиётлардир. Қишлоқ кутубхоналари (4735 та) фонди 35027,8 минг нусхадан иборат бўлиб, шундан 18154,1 минг нусхаси ўзбек тилидаги адабиётларни ташкил этади.

2002 йилда кутубхоналар фонди ўтган йилга нисбатан 6097,2 минг нусхага камайди. Бунинг сабабларидан бири Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси Маданият ишлари вазирлиги тасарруфидан чиқарилганлиги ва кутубхоналар фондида сақланаётган адабиётларнинг жисмонан ва ғоявий жиҳатдан эскирганлиги сабабли уларнинг кўп нусхада чиқариб ташланганлигидир.

Ҳисоботлар таҳлил қилинганда кутубхоналар фондини янги адабиётлар билан тўлдиришда ҳамда жисмонан ва ғоявий жиҳатдан эскирган адабиётлардан тозалашда жиддий муаммолар сезилади. Уларнинг баъзилари тўғрисида фикр юритамиз. Жумладан, кутубхоналар фондига янги адабиётларнинг олинishi йил сайин камайиб кетмоқда. Ўтган 2001 йилда жами оммавий кутубхоналарга 303,8 минг нусха янги адабиётлар олинган эди. 2002 йилда эса 177,9 минг янги адабиётлар олинди. 2001 йилда олинган янги адабиётлар ҳар бир кутубхонага ўртача 53 нусхадан тўғри келган эди. Бу нусхадаги адабиётлар китобхонларнинг талаб ва эҳтиёжлари ҳамда қизиқишлари учун етарли эмас, деб кўрсатган эдик. Бу йилги ҳолат ўтган йилгидан ҳам паст, йилдан йилга янги адабиётларнинг кутубхоналарга олинishi камайиб кетмоқда. 2002 йилда ҳар бир кутубхонага ўртача 31 тадан янги адабиёт тўғри келади.

Кутубхоналар фондини тўлиқ тўқислаш учун нашриётлар томонидан чиқарилаётган адабиётларнинг 70 фоизи олинishi зарур. Ҳозирги даврда эса давлат бюджетидан китоб сотиб олишга маблағнинг етарли даражада ажратилмаётганлиги ва китоблар нархининг қимматлиги сабабли кутубхоналарни янги адабиётлар билан таъминлаш кўрсаткичи пасаймоқда. Тўғри, ҳокимликлар томонидан кутубхоналарнинг китоб сотиб олиши учун маблағ ажратилиши олдинги йилга нисбатан кўпайган. Лекин китоблар нархининг ошиши туфайли яна китобларнинг кутубхоналарга олинishi кўрсаткичи пасайиб кетмоқда. Бу йилги битта китобнинг нархи ўртача 650-700 сўмни ташкил этади.

Фарғона вилояти оммавий кутубхоналари янги адабиётлар сотиб олиш бўйича юқори кўрсаткичга эришди (26,3 минг нусха сотиб олинган). Лекин бу кутубхоналар ҳам ўтган йилга нисбатан 2453 нусха адабиёт кам олган.

Сирдарё вилоятидаги 198 та кутубхоналарга 2002 йилда бор йўғи 900 нусха янги адабиётлар олинган, холос. Бу янги адабиётларни олишдаги муаммолар.

Газета ва журналларга обуна бўлиш ҳолати ундан ҳам аянчли аҳволда. Самарканд, Тошкент, Хоразм вилоятларининг айрим кишлоқ кутубхоналарига ҳатто биронта маҳаллий газета ва журналлар олинмаётганлиги сабабли кутубхона ходимлари ўз ҳисобидан вақтли матбуотга обуна бўлишга мажбур бўлмоқдалар. Бу юқоридаги номи келтирилган вилоятлардагина эмас, кўпчилик вилоятларнинг кишлоқ кутубхоналарида учрайдиган ҳолат бўлса керак. Фикримиз исботи сифатида қуйидаги жадвалларни келтирамиз.

Туманлар	Тармоқлар сони	2002 йилда олинган газета ва журналлар (нусха)	Номда
Ташкент вилояти			
Бекобод	36	29	23
Қибрай	42	23	10
Қуйи Чирчиқ	23	10	7
Хоразм вилояти			
Гурлан	34	22	19
Хонқа	38	24	22
Янги бозор	31	11	11

Юқорида келтирилган жадвалдан кишлоқ тармоқ кутубхоналарининг газета ва журналлар билан етарли таъминланмаётганлиги кўриниб турибди.

Жисмонан ва ғоявий жиҳатдан эскирган адабиётларнинг кутубхоналар фондидан чиқарилиши вилоятларда ҳар хил. Андижон, Тошкент, Фарғона вилоятларидаги оммавий кутубхоналарда 2001-2002 йилларда бошқа вилоят кутубхоналарига нисбатан кўпроқ адабиётлар фонддан чиқариб ташланган.

Вилоятлар	Кутубхона фондларидан чиқарилган адабиётлар сони (минг нусхада)		Шу жумладан			
			Ўоявий жиҳатдан эскирган адабиётлар сони		жисмоний жиҳатдан эскирган адабиётлар сони	
	2001	2002	2001	2002	2001	2002
Тошкент	411,2	192,0	195,1	87,9	107,6	85,6
Андижон	306,1	173,7	-	-	-	-
Фарғона	123,7	101,7	-	-	-	-

Кутубхоналар фондидан чиқарилаётган адабиётларнинг сони ҳисоботларда бу умумий фонднинг 1 ёки 2 фоизини ташкил этади, деб таъкидлаб ўтилади. Лекин кўрсатилган фоиздаги адабиётлар битта кутубхонанинг фондидан чиқарилган эмас. Агар битта кутубхонадан чиқариб ташланаётган адабиётларни ҳисоблаб кўрилса, бу неча фоизни ташкил қилишини ўйлаб кўриш керак.

Кутубхоналар фондидан чиқарилаётган адабиётларнинг кўпчилигини бадий адабиётлар, тилшунослик, болалар адабиёти, адабиётшунослик соҳаларига оид нашрлар ташкил этади. Жумладан, 2002 йилда Сирдарё вилоятидаги кутубхоналар фондидан 70,7 минг нусхадаги адабиёт чиқарилган бўлса, шундан 48,3 минг нусхаси бадий адабиётларни ташкил қилади. Бухоро вилоятидаги кутубхоналарнинг фондидан 42,9 минг нусхадаги адабиётлар чиқарилган бўлса, шундан 32,1 минг нусхаси бадий ва болалар адабиётларидан иборат. Вилоят кутубхоналари фондидан жами чиқарилган адабиётларнинг 36,9 минг нусхаси жисмонан эскирган.

Юқорида келтириб ўтилган соҳалардаги адабиётлар китобхонлар томонидан кўп ўқилади. Натижада китоблар жисмонан тез эскиради. Китобларни таъмирлаш учун эса кутубхоналарда таъмирлаш устахоналари

йўқлиги сабабли ҳам бу адабиётларни кутубхоналар фондида сақлаб қолишнинг иложи йўқ.

Муаммолардан яна бири кутубхоналараро китоб алмашувининг яхши йўлга қўйилмаганлигидир. Ҳозир-да қишлоқ кутубхоналари фондининг 60-70 фоизини рус тилидаги адабиётлар ташкил этади. Ваҳоланки туман, қишлоқ кутубхоналари ҳудудида рус миллатига мансуб аҳоли кам истиқомат қилганлиги учун бу китобларни деярли ҳеч ким ўқимайди. Аҳолиси қўп вилоят, шаҳар кутубхоналарининг китобхоналари эса бу хилдаги китобларни тополмайдилар.

2002 йилнинг ҳисоботларини таҳлил қилганимизда Сирдарё ВУИКнинг ҳисоботидагина макулатура топширишдан тушган 140 минг сўмга янги адабиётлар олингани келтирилган. Қолган вилоят кутубхоналари фонддан чиқарилган адабиётларни нима қилгани ҳақида маълумот йўқ. Балки кутубхоналар учун янги адабиётларни етарли даражада сотиб олиш муаммо бўлаётган бир даврда ҳомий ташкилотларни топиш ҳамда фонддан чиқарилган адабиётларни макулатурага топшириб, эвазига янги адабиётлар олиш, қолаверса пуллик хизматдан тушган маблағлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Кутубхоналарнинг моддий техника базаси ночорлиги туфайли ҳам кутубхоналар фондига жиддий зарар етказилмоқда. Жумладан, 2002 йилнинг ўзида Сирдарё вилояти Меҳнатобод, Гулистон, Боёвут, Мирзаобод туманларидаги кутубхоналарда сақланаётган 10 минг нусхадаги китоблар кучли ёмғир ёғиши таъсирида яроқсиз ҳолга келган. ВУИКнинг Китоб сақлаш бўлимидаги 500 нусха китоблар ҳам шу ҳолатга тушган.

Фарғона ВУИКнинг томи ва иситиш тармоқлари яроқсиз бўлганлиги сабабли эса намлик ва совуқдан 538 нусха китоблар яроқсиз ҳолга келган ва кутубхона

фондидан чиқарилган. Хоразм ВУИКнинг иситиш қувурларидан сув тошганлиги туфайли 30 нусхадаги китобларга зарар етказилган ва кутубхона фондидан чиқарилган.

Кутубхоналар фонди ва кутубхоналарга янги адабиётлар олинишининг йил сайин камайиб боришига қарамай айрим юқори мутасадди ташкилотлар ходимлари «Совет» сўзи учраган китобларни кутубхона фондидан чиқариб ташлаш талабини қўймоқдалар. Прокуратура ходимлари Сирдарё ВУИКдаги техника, тиббиёт, спорт, санъат соҳаларига оид китобларнинг китобхоналарга зарур бўлишига қарамай ҳатто нашриёт номларида «Совет» сўзи ёзилганлиги учун бундай китобларни йўқотиш талабини қўйган ва талаб бажарилган. Бу борада ҳатто ноёб энциклопедия ва справочниклар ҳам чиқариб юборилган. Наҳотки бу ишни талаб қилаётган ходимлар бу нашрлар ҳозирча уларнинг ўрнини босадиган нашр бўлмаганлиги учун ҳам энг қимматли адабиётлар эканини тушунмасалар?! Яна шу вилоятдаги бошқа бир аҳвол. Шароф Рашидов тумани МКТ фондидан бир йилда 25400 нусхадаги адабиётлар чиқариб юборилган. Кутубхона фондини текшириш натижасида 11700 нусха китоблар изсиз йўқолганлиги аниқланган. ВУИКнинг ҳисоботида келтирилишича бир йилда бундай кўп нусхадаги адабиётларнинг чиқариб юборилиши ва бу етишмаётган 11700 нусха китобларнинг йўқолиш сабабларини туман маданият бўлимининг мудирини Ф.Қушбақов қуйидагича изоҳлаб берган: 3700 нусхадаги китоблар очик фонддан йўқолган, 3900 нусхадаги китоблар эса яроқсизлик ҳолати бўйича, 6100 нусха китоблар ғоявий жиҳатдан эскирганлиги сабабли фонддан чиқарилган. Қолган 11700 нусха китоблар эса кутубхоначи ходимларнинг ва кутубхона раҳбарларининг тез-тез алмашганлиги сабабли ҳамда фонддан чиқарилган китобларнинг сони тўғри

кўрсатилмаганлигидадир, деб изоҳлаган. Шу ўринда савол туғилади: нима учун ВУИКнинг раҳбари А.Бойматов, қолаверса Методик бўлим ходимлари бу муаммони ўз вақтида атрофлича ўрганиб ижобий ҳал қилмаган? Аслида ВУИК томонидан шаҳар ва туман кутубхоналарига методик ёрдамнинг етарли даражада кўрсатилмаганлиги туфайли юқоридаги ҳоллар келиб чиққан, деб тушуниш мумкин.

Бўлим ниҳоясида ҳар йилгидек анъанавий ижобий ютуқларга эришган вилоятлар ҳақида тўхталамиз. Лекин бундай эришилган ютуқлар биргина Самарқанд ВУИКнинг ҳисоботидагина учрайди. Вилоят ҳокимлиги ва вилоят Маданият ишлари бошқармаси кутубхоналарга эътибор билан қарамоқдалар. Жумладан вилоят ҳокимининг ташаббуси билан Булунғур туманига 1 млн.сўмга 30 номда 953 нусхада, Оқдарё туманига 3 млн.сўмга 310 номда 2645 нусха ва Жомбой туман ҳокимлиги томонидан 618 нусха китоблар олинган.

Бошқа вилоят кутубхоналари ҳам кутубхоналарни янги адабиётлар билан тўлиқ таъминлашга ёрдам беришини сўраб Маданият ишлари бошқармасига, вилоят ҳокимлигига мурожаат қилишган. Лекин бу ижобий ҳал қилинмаганлиги сабабли айрим кутубхоналар ҳатто йилига биронта китоб, газета ва журналлар ололмай қолмоқдалар. Бу камчиликни бартараф этишда кутубхона фондларини тўлдириш учун ажратилган маблағлар баъзи вилоят кутубхоналари томонидан марказлаштирилган тарзда амалга оширилмоқда. Келгуси йилларда бу ишни барча вилоят кутубхоналари томонидан амалга оширишни таъминлаш лозим. Шу билан биргаликда кутубхоналараро китоб алмашувини йўлга қўйиш лозим. Чунки кўпчилик кутубхоналарда Йўриқномадан нотўғри фойдаланилганлиги сабабли уларнинг фонди кескин камайиб кетган. Тошкент ва Самарқанд ВУИКлари

фондлари камайган тармоқ кутубхоналарига далолатнома орқали китоб ўтказишни йўлга қўймоқда.

Назарий жиҳатдан маълумки, кутубхона фонди китобхонлар, кутубхоначи ходимлар, моддий техника базаси билан боғлиқдир.

Кутубхона фондини шакллантиришда китобхонлар сони ва уларнинг талаби асосий омил бўлиб ҳисобланади. Уларнинг талаби ва қизиқиши фондда қандай китоблар бўлишини аниқлаб беради. Фонд муаммосини амалий жиҳатдан ҳал қилиш ўртача ўқиш, қатнов, китобнинг айланиши, китобхонлар сони ва ҳоказолар ҳақидаги кўрсаткичларга асосланади.

Китобхон ва ҳужжат ўртасидаги асосий воситачи кутубхоначи ҳисобланади. Кутубхоначи китобхоннинг ёшига, касбига, қизиқишига қараб ҳужжатларни тўплайди, тартибга солади, тарғиб қилади.

Кутубхона биноси, хоналарнинг жойлашуви, ундаги техника воситалари кутубхона фондига катта таъсир кўрсатади. Китобларни олиш, жойлаштириш, сақлаш, китобхонга етказиш, уларга ишлов бериш ва бошқалар моддий техника базасининг аҳволига боғлиқ.

Юқорида таъкидлаб ўтган муаммолар кейинги бўлимларга ҳам катта таъсир ўтказади.

Кутубхона фондларидаги муаммолар яқин йилларда бартараф қилинмас экан, келгусида кутубхоналар ўз олдига қўйган вазифаларни тўлиқ бажара олмайди.

Китобхонларга хизмат кўрсатишни ташқил этиш

2002 йилда Республикамиз кутубхоналари китобхонларни кутубхонага янада кўпроқ жалб қилиш, уларнинг қизиқишлари, талаб ва эhtiёжларига қараб хизмат кўрсатиш, аҳолининг бўш вақтларини мазмунли

ўтказиш, ёшларнинг дунёқарашини янада кенгайтириш, Президентимиз ва Вазирлар Маъкамасининг фармон ва қарорларини бажариш ҳамда «Қарияларни кадрлаш йили» Давлат дастурини амалга оширишда қуйидаги ишларни бажардилар.

Республикамиз кутубхоналари (16000 дан ортиқ) даги китобхонлар сони 11000,0 мингга яқинни ташкил этади.

Маданият ишлари вазирлиги тизимидаги оммавий кутубхоналар (5735 та) нинг китобхонлари сони эса 5387,5 мингни ташкил этади. 2002 йилда китобхонлар сони ўтган йилга нисбатан 2,9 мингга кўпайди. Қишлоқ кутубхоналари (4735 та) китобхонларининг сони 2002 йилда 3598,9 мингни ташкил этди. Бу йил қишлоқ кутубхоналари сони кўпайишига қарамай китобхонлар сони ўтган йилга нисбатан 9,5 мингга камайган.

Бир кутубхонада китобхонлар сони ўртача 939 тани ташкил этади. Қишлоқ жойларидаги кутубхоналарга эса ўртача 760 та китобхон тўғри келади.

Аҳоли сонига нисбатан китобхонлар 21-22 фоизни ташкил этади. Бир йилда китоб ўқилиши ўртача 16 тани ташкил этади. Қишлоқ жойларида эса китоб ўқилиши ўртача 15 тани ташкил этади.

Вилоятлар бўйича 2001 ҳамда 2002 йилларда Андижон вилояти кутубхоналари китобхонлар сони кўплиги бўйича биринчи ўринда туради. Ҳар бир кутубхонага ўртача 1239 та китобхон тўғри келади.

Иккинчи ўринда Наманган вилояти кутубхоналари (ҳар бир кутубхонага 1045 та китобхон), учинчи ўринда эса Тошкент вилояти кутубхоналари (ҳар бир кутубхонага 1030 та китобхон) туради. Охирги ўринда эса Қашқадарё вилоят кутубхоналари (ҳар бир кутубхонага 652 та китобхон) туради.

Китобхонлар томонидан бир йилда ўртача китоб ўқилиши кўрсаткичи жиҳатидан вилоятлар бўйича 2001

Ҳамда 2002 йилларда Андижон вилояти кутубхоналари (бир йилда ўртача 22 китоб), Қорақалпоғистон Республикаси кутубхоналари (20,5) ҳамда Наманган вилояти кутубхоналари олдинги ўринларда келишмоқда.

Ҳисобот йилида кутубхоналардаги китобхонлар сонига бир оз ўзгаришлар бўлди. Жумладан, Фарғона (11,9 минг китобхонга), Жиззах (6,6 минг китобхон) ва Сирдарё вилоятларида (2,0 минг китобхонга) китобхонлар сонининг камайиши сезилади.

2001 йилга нисбатан китобхоналар сони Тошкент вилояти бўйича 12,3 мингга, Самарқанд вилояти бўйича 8,6 мингга, Андижон ва Наманган вилоятлари бўйича 6,5 мингга ўсган.

Йил давомида китобхонлар билан ишлаш бўйича вилоятларда амалга оширилган ишлар юзасидан қисқача фикр юритамиз.

Қорақалпоғистон Республикаси Республика кутубхонасида ва шаҳар, туман кутубхоналарида қорақалпоқ халқининг машҳур шоири Бердимурод Қарғабой ўғлининг 175 йиллиги муносабати билан конференциялар, китобхонлар беллашуви, кўргазмалар ташкил этилган. Шунингдек, Республика кутубхонаси худудига яқин жойлардаги идора, ташкилот ва муассаса ходимларининг қизиқиш ва эҳтиёжлари ўрганилиб, шу асосда уларга ахборот ва мутахассис кунлари ва яқка тартибда суҳбатлар, маслаҳатлар ва тавсиялар бериш ҳамда бошқа тадбирларни ташкил қилиш орқали 2001 йилга нисбатан китобхонлар сони 6,2 мингга кўпайган.

Андижон ВУИК ҳисобот йилида 2153 та оила-ларга кутубхона библиография хизматини кўрсатган. Вилоят бўйича 1054 та мутахассис кунлари, 1435 та ахборот кунлари ташкил этилган. Аҳоли сонига нисбатан китобхонлар 25 фоизни ташкил этади. Вилоят кутубхонасида «Андижоннома», «Андижанская правда» таҳририятлари билан ҳамкорликда «Конституция–инсон

ҳуқуқлари гарови» мавзусида кўрик танлов ташкил этилган. Ғолиб китобхонларга 15000 сўм миқдорида пул мукофотлари топширилган. Вилоят бўйича 2002 йилда 15034 та оммавий тадбирлар режалаштирилган бўлса, 20496 тадбирларни ташкил этиш орқали китобхонлар сонини 6,5 мингга кўпайтиришга эришилган.

Бухоро ВУИКнинг оилавий ўқув зали қошида ташкил этилган «Рангли калам устахонаси» тўғараги ўз ишини фаол давом эттирмоқда. Тўғаракнинг мақсади китобхонларни рассомчилик ҳунарига ўргатиш билан бирга кутубхонадаги мавжуд адабиётларга ҳам кизиқтиришдан иборат.

Бухоро вилояти бўйича 157 та кизиқувчилар клуби мавжуд бўлиб, клубга 2235 китобхонлар аъзо. Клубда рассомчилик, тикувчилик, адабиёт, ҳайвонот олами каби тўғараклар мавжуд. Вилоят кутубхонасининг ўсмирлар бўлими қошида ташкил этилган «Суҳбатдош» клуби 2002 йилда «Каунтерпарт консорциум» фонди томонидан кўллаб қувватланган «Фуқаролик жамият мактаби» лойиҳаси асосида иш олиб бормоқда. Лойиҳанинг мақсади «XXI асрнинг ўқитувчиси ва ўқувчиси» акцияси ва «Мактабдаги ҳаётим» мавзусида болалар расмлари вернисажи кўрғазмасини ташкил этишдан иборат.

Шофиркон тумани 10-тармоқ кутубхонасида «Сиз тадбиркор бўлишни хоҳлайсизми?» мавзусида давра суҳбати ўтказилган. Давра суҳбати савол-жавоб тарзида ўтказилиб, тадбирда фаол катнашган китобхонларга қимматбаҳо мукофотлар топширилган. Вилоятда юқоридаги тадбирларни ташкил қилиш натижасида 2001 йилга нисбатан китобхонлар сони 3,5 мингга кўпайган. Тадбирларга кўрғазмалар ташкил этиш, кўрғазмадаги адабиётларга обзор бериш, тавсия рўйхатлари тузиш ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Экосан», «Соғлом авлод учун», «Маҳалла» жамғармаларини жалб

қилиш анъанага айланган. Бу жамғармалар тadbирлар ташкил қилиш ва ўтказишга ҳомийлик қилмоқдалар.

Наманган вилоят кутубхоналарида китобхонлар қизиқиши сўроқлаш усули орқали ҳар йили ўрганилиб борилмоқда. Норин, Учқўрғон, Уйчи, Чуст, Мингбулоқ, Чортоқ туман кутубхоналарида китобхонлар қизиқиши ўрганилган. Сўров варақаларида кутубхона фондларида яхши асарлар камлиги ва китобхонлар талабининг 25-30 фоизига рад жавоблари берилганлиги кўрсатилган.

Косонсой тумани МКТда Иқтисодиёт технология коллежи талабалари ўртасида «Сиз қайси соҳадаги адабиётларни ўқишни хоҳлайсиз?» мавзусида савол жавоб ўтказилган ва бунга 140 талаба жалб қилинган. 35 талаба иқтисодга, 33 талаба сиёсатга, 30 талаба спортга, 27 талаба техникага, 15 талаба тиббиёт соҳасига оид адабиётлар ўқишни хоҳлаганликларини билдирган.

Вилоятда 155 та кўчма кутубхоналар ташкил этилган бўлиб, кутубхонадан 8318 китобхон фойдаланган. Уларга турли соҳалардаги 12547 нусха адабиётлар берилган.

Самарканд вилояти қишлоқ кутубхоналари ходимлари қишлоқда истикомат қилувчи ҳар бир оила аъзоларини кутубхонага жалб қилиш мақсадида бевосита хонадонларга бориш (хонадонма-хонадон айланиб чиқиш) усулини қўлладилар. Пастдарғом, Жомбой, Каттақўрғон туман кутубхоналарида «Ўсмир ёшлар учун», Самарканд шаҳар ва туманида «Ўлкашунослик адабиётлари бўлими», Самарканд вилоят кутубхонасида эса «Ўқуқий адабиётлар бўлими» каби махсус ихтисослашган бўлимлар ташкил этилди.

2001 йилги обзорда хабар қилганимиздек, Булунғур туман МКТ томонидан ташкил этилган «Кутубхона-китобхонга» ташаббуси асосида китобхонларга хизмат кўрсатиш иши давом эттирилмоқда. Китобхонларга кўрсатилаётган бундай

хизматлар натижасида китобхонлар сони ўтган йилга нисбатан 8,6 мингга кўпайган.

Сирдарё вилояти Боевут туман МКТ Болалар бўлими қошида 1993 йилда ташкил этилган «Ширинтой» кўғирчоқ театри ўз иш фаолиятини давом эттирмоқда. Кўғирчоқ театри нафақат кутубхонада, балки, маҳалла, боғча ва мактабларда ҳам ўз репертуарларини намойиш этмоқда. «Бўғирсоқ», «Икки дўст», «Мақтанчоқ кўён» каби эртактлар болажонларга манзур бўлмоқда.

Тошкент вилояти Янгийўл, Ангрен шаҳарлари ва Ўрта Чирчиқ туман кутубхоналарида китобхонлар таркиби ҳамда уларнинг талаб ва эҳтиёжлари, кизиқишлари мунтазам равишда ўрганилиб келинмоқда. Ўрганишлар натижасида уларга тавсия ва маслаҳатлар берилмоқда. Шунингдек тарғибот ишларини кучайтириш мақсадида кутубхонанинг алмашув-заҳира фондидан адабиётлар олиниб «Унутилган адабиётлар» номли кўргазмаси ташкил қилинган. Китобхонларга соҳалар бўйича адабиётлар ҳақида суҳбатлар ўтказилмоқда. Вилоят кутубхоналарида ўтказилган бу ва шунга ўхшаш оммавий тадбирлар уюштириш орқали жорий йилда китобхонлар сони 12,3 мингга кўпайган.

Хоразм ВУИК Ёшлар бўлими ходимлари китобхонлар билан ишлаш ҳамда кутубхонага китобхонларнинг янада кўпроқ келиши ва китоб ўқиб билим олишлари учун ташкилий ва амалий тадбирлар уюштирмоқдалар. Бўлимда оммавий тадбирлар ташкил этишдан ташқари ҳар йили энг фаол китобхонга «Китобхон унвони» бериш анъанага айланган. Китобхонларга кутубхонадан фойдаланиш қоидалари, кутубхона ва библиография дарслари мунтазам ўтказиб борилади.

Фарғона ВУИКда «Китоб байрами» ўтказилган. Байрамда кутубхона тарихи, бугуни, келажаги ҳақида кизиқарли маълумотлар берилган. Тадбирда Америка

Халқаро Консорциум фондининг Қўқон шаҳри бўлими, Фарғона ёзувчилар уюшмаси, Ю.Шакаржонов номидаги вилоят ўзбек театри артистлари меҳмон бўлдилар. Тадбирда Ўзбекистон бадиий академиясининг Фарғона вилоят бўлими томонидан китоб ва бошқа нашрлардан экспресс кўргазма намойиш этилган. Байрам сўнгида китобхонлар иштирокида викторина ўтказилган. Ғолибларга совғалар ва кутубхонанинг доимий китобхонлик билетлари топширилган. Вилоятдаги кутубхоналарда йилига 2 мартаба (март, сентябрь ойларида) навбат билан «Очиқ эшиклар куни» ўтказилади. Шу куни янги адабиётлар кўргазмаси, кутубхоналар бўйлаб саёҳатлар уюштирилади. Маънавият ва маърифат марказининг жойлардаги бўлимлари билан ҳамкорликда маҳалла ва меҳнат жамоаларида, мактаб, билим юртлари ва институтларда «Китоб-маънавият ўчоғи», «Китобдан азиз дўст йўқдир дунёда», «Китоб ва китобхон», «Жамият тараққиётида китобнинг ўрни» каби мавзуларда кўргазмалар ва китобхонлар конференцияси ташкил этилган. Бундан ташқари янги матбуот нашрлари асосида «Китобхонлар, сизлар учун», «Китоб жавонларида янгилик», «Сиз севган адиб асари» каби мавзуларда китоб кўргазмалари ва улар бўйича тадбирлар ташкил этилган.

Ҳисоботда кўрсатилишича, китобхонларни кутубхоналарга янада кўпроқ жалб қилиш бўйича яхши тадбирлар ташкил қилинган. Кутубхоналар сони 2001 йилга нисбатан 11 тага кўпайган. Лекин китобхонлар сони эса 11,9 мингга камайиб кетган. Китобхонлар сонининг камайиши қуйидагича изоҳланади: «Вилоят кутубхонасининг томи ва иситиш тизими узок вақт давомида яроксиз аҳволда бўлганлиги, санъат бўлими бутунлай фаолият кўрсатмагани, чет эл адабиётлари бўлими фақат 3 ой ишлагани ва умумий ўқув залида 5 ой давомида адабиётлар текширилганлиги сабабли 2001

йилга нисбатан китобхонлар – 20 фоизга, катнов ва китоб берилиши эса 24 фоизга камайди».

Бу кутубхоналар моддий техника базасининг ночорлиги барча бўлимларга жиддий таъсир етказишининг исботидир.

Вилоятлар бўйича кутубхоналарда китобхонларга хизмат кўрсатиш соҳасида 2001 йилга нисбатан анча ижобий ўзгаришлар бўлди. Кутубхоналар сонининг кўпайиши билан биргаликда китобхонлар сони ҳам кўпайди.

Ўкуватимиз томонидан маънавият, маданият, маориф соҳаларига жиддий эътибор берилиши натижасида кутубхоналар сони кўпайган бўлса, китобхонларнинг илм, билим олишга иштиёқи кучли бўлганлиги, қолаверса кутубхона ходимларининг саъй-ҳаракатлари сабабли юқоридаги кўрсаткичларга эришилди, деб хулоса қилиш мумкин.

Ташкилий методик ишлар

Кутубхонашунослик соҳасида ташкилий методик ишлар асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Чунки, методик бўлим ишини тўғри ташкил қилмасдан яхши натижага эришиш қийин. Бундай маъсулиятли вазифани тўғри ҳис қилган вилоят универсал илмий кутубхоналар раҳбарлари, Илмий методик бўлим ходимлари жорий йилда қуйидаги натижаларга эришдилар.

Андижон ВУИКда туман, шаҳар МКТларининг Китобхонларга хизмат кўрсатиш бўлими мудирлари учун «Ёшларни маънавий кадриятлар асосида тарбиялашда адабиётлар тарғиботи», Методика ва библиография бўлими мудирлари учун «Китобхонларга ахборот-библиографик хизмат кўрсатиш ишларини такомиллаштириш», Китобхонларга хизмат кўрсатиш ва Китоб сақлаш бўлими мудирлари учун «Кутубхона

фондини тўлдириш омиллари» мавзуларида илғор тажриба мактаби фаолият олиб борган.

Балиқчи туман МКТда «Оммавий кутубхоналарда китобхонларга пуллик хизмат кўрсатишни ташкил этиш» мавзусида ўтказилган семинар машғулоти натижасида китобхонларга 20 минг сўмлик пуллик хизмат кўрсатилган.

Асака туман МКТда «Ўсмир китобхонларнинг китоб танлашида кутубхоналарнинг роли», Андижон шаҳар МКТда «Миллий мафкура ва миллий истиқлол ғоясини шакллантиришда адабиётлар тарғиботининг шакл ва усуллари», Пахтаобод туман МКТда «Кутубхона шахобчаларининг дала мавсумий ишлари даврида китоб тарғиботини ташкил қилиши», Асака ва Марҳамат туман МКТларида «Ногирон ва нафақахўр қарияларга кутубхона хизматини кўрсатиш», Улўғнор тумани МКТда «Кутубхоналараро китоб алмашлаш ишларининг таҳлили» мавзуларида семинарлар ўтказилган. Шунингдек, туман, шаҳар МКТларининг методик бўлимлари томонидан мактаб, коллеж, қасаба уюшма кутубхоналарига амалий методик ёрдам кўрсатилган.

Пахтаобод, Жалолқудуқ туман МКТларида «Ћуқуқий ахборот маркази», Андижон, Бўз, Марҳамат тумани ва Асака шаҳри МКТларида эса «Ўқув жараёнини ахборот билан таъминлаш маркази» ташкил этилган.

Бухоро ВУИКда «Бугунги кутубхона қандай бўлиши керак?» мавзусида семинар машғулоти ўтказилган. Семинар машғулотида «Кутубхоналар ишини замонавий талабларга жавоб бериши учун қандай ишларни амалга ошириш лозим?», «Маркетинг ва бозор иқтисодиёти даврида кутубхоналар аҳволи», «Кутубхона хизматига жамият муҳтожми?» каби саволлар муҳокама қилинган.

«Методик ёрдамни такомиллаштириш» мавзусидаги семинар машғулотида эса «Замон

талабларига мувофиқ келадиган методик бўлим вазифалари нималардан иборат бўлиши лозим?», «Кутубхона ходимларининг малакасини оширишни қандай ташкил қилиш керак?», «Методик бўлим ходимларининг касб маҳорати етарли даражадами?» каби саволлар муҳокама қилинган.

Қишлоқ кутубхона ходимларининг малакасини ошириш мақсадида Вилоят кутубхоначилар ассоциацияси ва Вилоят Маданият ишлари бошқармаси буйруғи билан вилоят кутубхонаси базасида пуллик бир ойлик малака ошириш курси ташкил этилган. Курсда 102 та кутубхоначи ходимлар малакасини оширдилар. Малака оширишдан тушган 306000 сўм маблағ кутубхоналарнинг моддий техника базасини мустаҳкамлашга, кутубхона ишини янада яхшилашда ҳисса қўшган мутахассисларни моддий жиҳатдан рағбатлантиришга сарфланган.

Наманган вилояти Наманган тумани МКТ Методик бўлими қошида «Кутубхоначилар университети» ташкил этилди. У ерда ҳар ойда режа асосида кутубхоначилик ишининг вазифалари, муаммолари, ютуқлари ва камчиликлари масалалари муҳокама қилинади ҳамда илмий-амалий машғулотлар ўтказиб турилади.

Чуст тумани МКТда «Кутубхона фондлари ва улар билан ишлаш усуллари», «Ижтимоий сиёсий ва ҳуқуқшуносликка оид адабиётлар тарғиботи» мавзуларида семинар ташкил этилган.

Самарқанд вилоятидаги оммавий кутубхоналар ишининг аҳволи, ютуқ ва муаммоларини ўрганиш мақсадида вилоят Маданият ишлари бошқармаси бошлиғи Б.Ҳамидовнинг ташаббуси билан кутубхоналар фаолияти видеотасмаларга олинган ва ишчи гуруҳи томонидан муҳокама қилиниб тегишли амалий чора - тадбирлар қўрилган.

Вилоят кутубхонасида кутубхоначи аёллар ассоциацияси билан ҳамкорликда «Замонавий иқтисодий шароитларда кутубхона ишининг янги усуллари» ва «Кутубхонада фандрайзинг» мавзуларида семинар тренинглари ташкил этилган. МКТ кутубхоначилари учун «Муҳим саналарга бағишлаб тематик картотекаларни ташкил этиш», «МКТда маълумот-библиография ишларини ташкил этиш» мавзуларида маслаҳат ва амалиётлар ўтказилган.

Сирдарё вилояти кутубхоналарида «Кутубхоналарнинг ҳисобга олиш ҳужжатларини юритиш», «МКТларда китобхонларга маълумот-библиография хизматини кўрсатиш», «Тармоқ кутубхоналарда оммавий тадбирлар ташкил этиш ва ўтказиш методикаси» мавзусида семинар машғулотлари ташкил этилган.

Вилоят кутубхоналар ассоциацияси билан ҳамкорликда МКТларнинг Методик бўлими ишини такомиллаштириш мақсадида «Интернет ёрдамида кутубхоналар ишининг янги усуллари ўрганиш», «Жаҳон ташкилотларининг грантларини олиш учун методик бўлим ходимларини лойиҳа ёзишга ўргатиш» ва Ў.К. тадбирлар ишлаб чиқилган. Лекин, вилоят кутубхоналарида юқорида келтириб ўтилган ва бошқа тадбирлар ўтказилишига қарамай кутубхона фондлари билан ишлаш бир қанча сабабларга кўра муаммолигича ечимини топмасдан қолиб кетмоқда.

Тошкент ВУИКда Ўзбекистон Очиқ жамияти институти Кўмак жамғармаси билан ҳамкорликда «Кутубхона лойиҳаларини қандай ёзиш керак?», «Болалар ва ўсмирларнинг ҳуқуқий роли» мавзуларида семинар тренинглари ўтказилган.

Чирчиқ шаҳар МКТда «Маркетинг-кутубхонада» номли кўчма семинар ўтказилган. Тошкент туман МКТда «Оилавий китобхонларга хизмат кўрсатишни

такомиллаштириш йўллари», Олмалик шаҳар МКТда «Китобхонлар кизиқишини ўрганишнинг шакл ва усуллари», Бўстонлик тумани МКТда «Маълумот-библиографик билимларни китобхонлар ўртасида тарғиб қилиш» мавзуларида семинарлар ўтказилган. Бундан ташқари, Янгийўл шаҳар МКТда кутубхоначилар малакасини ошириш мақсадида «Замонавий кутубхоначи қандай бўлиши керак?», «Китоб тарғиботида китоб кўргазмаларининг аҳамияти» мавзуларида давра суҳбатлари ташкил этилган.

Пскент тумани МКТ томонидан Нодирабегим таваллудининг 210 йиллигига «Назм осмонининг юлдузи» ва Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 95 йиллигига бағишлаб «Халқ севган адиб» номли методик кўлланмаларининг тақдимоти ўтказилган.

Фарғона ВУИК томонидан шаҳар ва туман кутубхоналари учун муҳим саналарга бағишланган тадбирлар сценарийси ва ёзма маслаҳатлар тайёрланиб тарқатилган. Ёзёвон, Учкўприк, Фурқат, Тошлоқ, Бувайда, Фарғона, Бешарик туман МКТларида тармоқ кутубхоналари учун «Маълумот-ахборот хизматининг муҳим йўналишлари», «Ўлкашунослик картотекаси билан ишлаш», «Китобхонларга хизмат кўрсатиш ишини ташкил этиш» мавзуларида семинарлар ташкил этилган. Шунингдек, бошқа ташкилот ва муассасаларга қарашли кутубхоналарга кутубхона иш ҳужжатларини юритиш, кутубхона фондини ташкил этиш ва сақлаш, адабиётларни фонддан чиқариш тартиби, тадбирлар ўтказиш, кўргазмалар ташкил этиш юзасидан методик амалий ёрдамлар кўрсатилган.

Юқорида келтириб ўтилган методик ишлар орасида долзарблилиги ва кизиқарли томонлари жиҳатидан Бухоро вилояти кутубхоналарининг ташкилий-методик ишлари алоҳида ажралиб туради. Албатта обзорнинг ҳамма бўлимлари бўйича битта

вилоят кутубхонасининг ишини яхши деб бўлмаслиги мумкин. Обзорга долзарб, кизиқарли, муаммоли ишлар асос қилиб олинди. Бу бўлимда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ВУИКнинг ташкилий методик ишлари етарлича ва тўлақонли ёритилмаганлиги учун улар ҳақида алоҳида тўхталмадик. Наманган ВУИКнинг бу борадаги маълумотлари ҳам бизни қониқтирмади, чунки, кўпроқ умумий маълумотлар берилган. Биз ҳар бир вилоят кутубхоналарининг ҳисоботларидаги тегишли бўлимларни синчиклаб ўрганиб, улар асосида фикр - мулоҳаза юритишга ҳаракат қилдик.

Обзор ёрдамида вилоят кутубхоналарининг раҳбарлари кутубхоначилик ишининг камчиликларини бартараф қилиб, илғорлар сафидан жой олаётганликлари бизни қувонтиради. Лекин айрим вилоят кутубхоналарининг раҳбарларига обзор орқали берган саволларимиз ёки кўрсатмаларимиз натижасиз қолиб кетмоқда. Жумладан, 2001 йилги обзорда Бухоро вилояти Қорақўл тумани МКТ фондидан 71,2 фоиз, Олот тумани МКТ 100 фоиз мазмунан эскирган ўзбек тилидаги адабиётларни қандай сабабларга кўра чиқарганлиги тўғрисидаги саволимизга 2002 йилги ҳисоботда жавоб берилмаган. Шунингдек, Наманган ВУИКнинг раҳбаридан ҳисоботни бўлимлар маълумотларини тегишли тартибда жойлаштириш ва ихчамлаштиришни, Хоразм ВУИКнинг раҳбаридан «Ташкилий методик ишлар»ни тўлиқ ёритишни сўраган эдик. Афсуски, берилган кўрсатмалар бажарилмаган. Кейинги йилда обзорда берилган кўрсатмалар албатта назоратга олинади, деб умид қиламиз ва бу тўғрида ҳам мулоҳаза юритамиз.

Методик кўлланмалар ва уларнинг самарадорлиги

Ҳисоботларга Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Наманган, Самарқанд, Хоразм ВУИКлари методик кўлланмаларни илова қилганлар. Топширилган барча методик кўлланмалар долзарблилиги, қизиқарлилиги, муҳим ва унутилмас саналарга бағишланганлиги билан ажралиб туради. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Республика кутубхонаси томонидан 12 та методик кўлланма тақдим этилган. «Ёш ҳамда навқирон шаҳар», (Нукус шаҳрининг 70 йиллигига), «Қарияларга ҳурмат, элга ҳурмат» (Тузувчи Б.Даримбетова) номли методик кўлланмалар, шунингдек, Бердах таваллудининг 175 йиллигига, «Қарияларни кадрлаш йили»га, Нукус шаҳрининг 70 йиллигига бағишлаб адабиётларнинг тавсия рўйхатлари тузилган. Кўлланмаларда кутубхоналар ўтказиши мумкин бўлган тадбирлар туркуми, адабиётлар рўйхати ва қизиқарли материаллар берилган. Бу ишлар 2000 йилги топширилган кўлланмалардан пухта тузилганлиги билан ажралиб туради. Лекин ҳали тузатиш лозим бўлган методик кўлланмалар ҳам учрайди. Буни кўпроқ Т.Уразов томонидан тузилган кўлланмаларда кузатиш мумкин. «Миллий мафкура-давр сиёсати» номли кўлланмада «Миллий мафкура ҳамда мафкуралар тарихидан» мавзусида давра суҳбати ўтказиш бўйича йўлланма берилган. Давра суҳбатини 2 бўлимга бўлиб ўтказиш мумкинлиги кўрсатилган ва биринчи бўлимни «Миллий мафкура халқларни бирлаштирувчи байроқ» деб номлаган. Иккинчи бўлимнинг номи эса тушириб қолдирилган. Шунингдек, «Миллий мафкура ривожланиш йўлимиз» номли китоб кўргазмасидаги иккинчи бўлимнинг номи ҳам тушиб қолган. Адабиётлар рўйхатини жойлаштириш тартибига эътибор қилмаган.

«Терроризмнинг руҳий таъсири», «Тил – миллат кўзгуси» (Тузувчи А.Ахатова) номли кўлланмаларда эса адабиётлар рўйхатини келтириш фойдадан ҳоли бўлмас эди.

Андижон ВУИК томонидан 11 та методик кўлланма илова қилинган. Кўлланмалар Маълумот библиография, Илмий методик бўлимлари ва Тукукий ахборот маркази томонидан тайёрланган бўлиб, «Карияларни кадрлаш йили»га, «Гиёҳвандлик ва диний экстремизмга қарши кураш икки ойлиги»ни ўтказишга ва бошқа саналарга бағишланган, уларда тадбирлар туркуми ва адабиётлар рўйхати берилган. Методик кўлланмаларнинг тайёрланиши талаб даражасида.

Бухоро ВУИК томонидан 22 та методик кўлланма тақдим этилган. Шунини таъкидлаш жоизки, вилоят кутубхонаси бир неча йиллардан буён ҳисоботга илова қилиб методик кўлланмалар топширади. Кўлланмалар орасида «Вилоят кутубхоналари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари» (Тузувчи Е. Иванова), «Марказий кутубхона тизимларининг 2001 ҳамда 2002 йилги ёзма ҳисоботларининг умумий таҳлили» (Тузувчилар М. Ҳусенова, И. Ҳамроева) алоҳида ўрин эгаллайди. Бу кўлланмаларда асосий кўрсаткичлар чуқур таҳлил қилиниб, кутубхоналар ишининг ютуқ ва муаммолари, камчиликлари ҳолисона кўрсатилиб, маслаҳатлар берилган ва етарли хулоса чиқарилган. Бундан ташқари М.Шайхзода, Усмон Носир, Ғайратий, Одил Ёқубов, Шароф Рашидов таваллудларига ва бошқа шу каби муҳим саналарга бағишлаб кўлланмалар тузилган. Барча кўлланмалар маҳорат билан талаб даражасида тайёрланган.

Наманган ВУИК томонидан ҳисоботга 21 та методик кўлланма илова қилинган. Кўлланмалар қизиқарлилиги, долзарблилиги, материаллар тўлиқ берилганлиги, ранг-баранг мавзуларда ва муҳим

саналарга бағишланганликлари билан бир-биридан ажралиб туради. Қўлланмаларни ўрганиш жараёнида келгусида тузатиши лозим бўлган айрим камчиликлар ҳам учради. Жумладан, тадбирлар туркумини тавсия қилаётганда имкон қадар мавзуларни аниқ ёки тахминий кўрсатиш лозим. Айрим қўлланмаларда эса адабиётлар рўйхати тушиб қолдирилган. Библиографик тасвир қоидаларига тўлиқ риоя қилиниши зарур. Бир мунча йил олдин нашр қилинган адабиётлардан фойдаланаётганда матнларга ва жумлаларга эътибор беришни сўрардик. («Собир Раҳимов таваллудининг 100 йиллигига» номли қўлланма назарда тутилмоқда). Номи келтирилган методик қўлланма ва «Ўзбекистон Республикаси БМТга аъзо бўлганлигининг 10 йиллигига» номли методик қўлланмалар тавсия рўйхатига кирмайди. Чунки тавсия қўлланмаларида китобхонларга адабиётларнинг тавсия рўйхатлари берилиши лозим.

Самарқанд ВУИК томонидан 11 та методик қўлланма топширилган. Қўлланмалар методик тавсиялардан ва адабиётларнинг тавсия рўйхатларидан иборат. Тайёрланган қўлланмалар талаб даражасида. «Шаҳидлар хотираси мангу барҳаёт» номли тавсия библиографик рўйхатини 31 август Катагон қурбонларини хотирлаш кунига бағишлангани маъқул.

Хоразм ВУИК томонидан 1 та методик қўлланма топширилган. Қўлланманинг тайёрланиши талаб даражасида.

Номлари келтирилмаган кутубхоналар ҳам кейинги йилларда методик қўлланмаларни ҳисоботга илова қилади, деб умид қиламиз.

Ўйлаймизки, қўлланмалар тўғрисида кўрсатган айрим камчиликлардан вилоят кутубхона раҳбарлари тўғри хулосалар чиқарадилар ва уларнинг ишларида муваффақиятлар тилаб, келгуси йилда улардан янада

янги, кизиқарли ва долзарб мавзулардаги методик-библиографик кўлланмаларни кутиб қоламиз.

Маълумот-библиография ва ахборот ишлари

Кутубхонадаги масъулиятли ва мураккаб бўлимлардан бири Маълумот-библиография бўлиmidир. Вилоят кутубхоналари ходимлари ҳисобот йилида бу йўналишда кўйидаги натижаларга эришдилар.

Андижон вилояти бўйича 2001 йилда маълумот – библиографик нашрлар фонди 90 та нусха янги нашрлар билан таъминланган бўлса, 2002 йилда бу кўрсаткич 145 нусхага етган. Библиографик нашрлар фонди вилоят бўйича 58854 нусхани ташкил этади. 2002 йилда вилоят бўйича китобхонларнинг 185054 та библиографик сўровлари бажарилган. Шундан 177849 таси оғзаки, 7205 ёзма. Вилоят кутубхонаси томонидан эса 15000 китобхоннинг библиографик сўровлари бажарилган. Шундан 6000 мавзули, 1500 фактографик, 6000 аниқловчи маълумотлардир. Вилоят бўйича 1435 та ахборот кунни, 1054 та мутахассис кунлари ўтказилган. Ахборотни танлаб тарқатиш ва раҳбарларга табақалашган хизмат кўрсатиш бўйича 3059 та абонентларга ахборот берилган.

Кўйидаги мавзуларда табақалашган хизмат кўрсатилган:

- Маданият ва маърифат ишлари;
- Кутубхоналар тараққиёти;
- Театр соҳасини ривожлантириш;
- Ўлкашунослик, музей ишлари ва Ҳ.к.

Кўйидаги мавзуларда ахборотни танлаб тарқатиш бўйича хизмат кўрсатилган:

- Вилоятда ўсмирлар соғлигини сақлаш;
- Таълимни ислоҳ қилиш;

- Меҳрибонлик уйларида болалар тарбиясини ривожлантириш ва бошқалар.

Китобхонлар учун 2298 та обзор, 656 та эсдалик, 1574 та тавсия рўйхат, варақа, ўқиш режалари тузилган. Вилоят кутубхонасида ташкил этилган “Ўқувчи ахборот маркази”, “Ўқув жараёнига ёрдам”, “Оилавий ўқиш маркази” учун эсдалик, варақалар, библиографик кўлланмалар тузилган. Вилоят бўйича кутубхоналарда 879 та библиографик дарс ўтказилган.

Бухоро ВУИК библиографик билимларни тарғиб этиш мақсадида 30-сон мактабнинг юқори синф ўқувчилари учун “Сиз системали каталогдан фойдалана оласизми?”, “Адабиётлар кўрсаткичидан қандай фойдаланасиз?” каби мавзуларда библиографик дарслар ташкил этилган. Тиббиёт ходимлари учун “Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур”, ўқитувчилар учун “Маърифат жарчилари”, лицей ўқувчилари учун “Лицей-истеъдод маскани” номли ахборот кунлари ҳамда кутубхона бўйлаб саёҳатлар ташкил этилган. “Жавонимиз адабиётлари сизга мунтазир”, “Китоблар оламида”, “Президент асарларини ўрганамиз” каби мавзуларда адабиётлар обзори ўтказилган.

Ахборотни танлаб тарқатиш абонентлари сони – 29 та. Улар ҳокимият ходимлари, маданият ходимлари, ташкилот, корхона ва муассаса раҳбарларидан иборат.

Табақалашган хизмат кўрсатиш абонентлари сони – 13 та. Уларнинг талаб ва эҳтиёжлари асосида библиографик маълумотлар берилган.

Китобхонларнинг талаблари асосида “Маркетинг ва бозор”, “Менежмент” мавзуларида картотекалар ташкил этилган.

Шофиркон ва Когон МКТларида библиография ва ўлкашунослик ишларини тўғри ташкил этиш мақсадида “Китобхонларга ахборот-библиографик хизмат кўрсатишда кутубхонанинг марказ сифатида тутган

ўрни” мавзусида илғор тажриба мактаби ташкил этилган ва шаҳар, туман кутубхоналарининг библиография ва ўлкашунослик бўлими ходимлари тажриба алмашганлар.

Вилоят кутубхоналарида “Янги адабиётлар” ахборот бюллетени, адабиётларнинг тавсия рўйхати, эсдаликлар тузилиб кенг тарғиб қилинмоқда. Саёҳат, суҳбат ва маслаҳат кунларига жами 1901 китобхон жалб этилган ва 1663 китобхон кутубхонага аъзо бўлган.

Наманган ВУИКда ахборот-библиография бўлими томонидан “Вилоятимиз фахрийлари”, “Қариялар ҳамиша эъзозга лойиқ”, “Ўзингни, ўз уйингни ўзинг асра”, “Тинчликнинг қадри улуг” номли картотекалар ташкил этилган. Ҳабиб Саъдулла таваллудининг 60 йиллигига “Наманган фахри”, халқ таълими ходимлари кунига “Сўз тузалса-эл тузалар”, Конституция кунига “Ўзбекистон қомуси - ватаннинг ор қомуси” номли адабиётларнинг тавсиявий библиографик кўрсаткичлари тузилган.

Бундан ташқари соҳалар бўйича ўқитувчилар учун “Тарбия пойдевори омонат бўлмасин”, ёшлар учун “Мард майдонда синалади” номли янги адабиётларнинг тавсия рўйхатлари тузиб борилган. Китобхонларнинг сўроқлари бўйича 1700 та библиографик, 900 та фактографик маълумотлар бажарилган. ВУИКнинг Ахборот-библиография бўлими томонидан 2002 йилда бажарилган муҳим вазифалар “Методик библиографик қўлланмалар” сарлавҳаси остида эмас, тегишли бўлимда берилиши лозим.

Самарқанд ВУИКда “МКТларда библиографик маълумот ишларини ташкил этиш”, “Муҳим саналарга тематик картотекаларни ташкил этиш” мавзуларида маслаҳат ва амалиётлар ташкил этилган.

Жомбой тумани МКТда мактаб ўқувчилари “Сиз кутубхонага келдингиз” мавзусидаги дарс суҳбатида кутубхона тарихи, бўлимлар фаолияти, маълумот-

библиография аппарати билан яқиндан танишдилар. Шунингдек “Китобхон бўлишни ўрган”, “Китобларни қандай ўқиш керак?”, “Ўқинг, ўрганинг, амалда қўлланг” номли библиографик қўлланмалар китобхонларга тавсия этилган.

ВУИК томонидан китобхонларнинг 713 та оғзаки, 20 та ёзма сўроқлари бажарилиб, библиографик маълумотлар берилган. Маълумотларнинг 70 фоизи тематик, 20 фоизи адресли, 8 фоизи фактографик, 2 фоизи библиографик маълумотларни ташкил этади.

Сирдарё вилоят кутубхоналарида тарих, иқтисод, педагогика, филология, маданият соҳаси мутахассис ходимларига мутахассис куни ташкил этилган. Китобхонларга 185 маротаба библиографик обзор ўтказилган. Янги адабиётларнинг ахборот бюллетени мунтазам тузиб борилган.

Янгиер шаҳар МКТ томонидан “И.Каримов асарларининг библиографияси”, “Ёшлар тарбияси ҳақида”, “Хотин-қизлар, сизлар учун!” номли адабиётларнинг тавсия рўйхатлари тузилган ва тегишли жойларга тарқатилган.

Мирзаобод тумани МКТда библиографик билимларни тарғиб этиш мақсадида 1-3 синф ўқувчилари учун “Кутубхона билан танишинг”, “Кутубхона ва китобхон”, “Кутубхонадан фойдаланиш қоидалари” мавзуларида кутубхона дарслари ташкил этилган. 2002 йилда вилоят бўйича бор йўғи 5 та библиограф китобхонларга хизмат кўрсатган. Шундан 3 таси ВУИКда ишлаган. Вилоят кутубхоналаридаги Библиография бўлими ишининг аҳволини шундан ҳам тасаввур қилиш қийин эмас.

Тошкент ВУИКда “Қизил байроқ”, “Туркистон”, “Қизил Ўзбекистон” газеталаридаги мақолалар библиографияси (1920-30 йиллар) картотекаси тўлдириб борилмоқда. МКТларда Нодирабегим таваллудининг 210

йиллигига “Давлат арбоби ва маърифатпарвар ўзбек шоираси”, “Имом ал Бухорий”, Ш.Рашидов таваллудининг 85 йиллигига “Ўзбек ёзувчиси, давлат ва жамоат арбоби” номли адабиётларнинг тавсиявий рўйхати тузилган. “Каталог – бу нима?” номли альбом, “Картотека нимани кўрсатади?” номли буклет тузилган.

Фаргона ВУИКда “И.Каримов асарларининг библиографик рўйхати” тузилган. Библиографик рўйхатга 1992 йилдан кейинги асарлар киритилган ва асарларга аннотациялар берилган. О.Ёқубов таваллудининг 75 йиллигига бағишлаб “Исмига муносиб адиб” номли библиографик обзор ўтказилган. “И.Каримов асарларида оммавий ахборот воситалари ва сўз эркинлиги масалалари” мавзусида тавсиявий библиографик обзор ўтказилган.

Шунингдек, “Истеъмомчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш” , “XXI аср вабоси”, “Юртим, ишонаман келажакнингга “ мавзуларида картотекалар юритилган. Китобхонларга 5010 маслаҳатлар, 5703 та оғзаки, 10 та ёзма библиографик маълумот хизмати кўрсатилган.

Хоразм ВУИКда “Кутубхона ишида ахборот технологияси”, “Кутубхона ва замон талаби” мавзуларида китобхонлар билан суҳбат ўтказилган. “Ўзбекистон кутубхона-ларининг ривожланиш истиқболлари”, “Кутубхоначилик ишида тадқиқот ишлари” мавзуларида рефератлар ёзилган. Шунингдек, “Ўқишни тавсия қиламиз”, “Маъмун академияси”, “Паҳлавон Маҳмуд таваллудининг 755 йиллигига” мавзуларида картотекалар юритилган.

Қорақалпоғистон Республикаси Республика кутубхона-сининг ҳисоботида мазкур бўлим ҳақида маълумот берилмаган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, барча кутубхоналарда “Маълумот-библиография ва ахборот ишлари” бўлимидаги ишлар 2001 йилга нисбатан олға

силжиганлиги сезилади. Бу билан бўлим ишини тўлиқ каноатланарли, деб бўлмайди, албатта. Юқорида келтириб ўтилган вилоят кутубхоналари орасида Андижон ва Бухоро ВУИКларининг бўлимдаги иши тўлиқ, аниқ ёритилганлиги учун каноатланарли даражада, деб баҳоладик.

Ўлкашунослик фаолияти

Кутубхоналарда ўлкашунослик ишининг асосий вазифаларидан бири ўлка тарихи, адабиёти, санъати, маданияти ва Ҳ.К. бўйича энг муҳим бўлган маълумотларни йиғиш, сақлаш, ахборот бериш ва тарғиб қилишдан иборатдир. Республикамиз кутубхоналари ўлкашунослик фаолиятини амалга оширишда 2002 йилда қуйидаги натижаларга эришдилар.

Қорақалпоғистон Республикаси Республика кутубхонасининг ўлкашунослик фонди 1325 нусхадан иборат. Библиографик маълумотлар фонди эса 1949 нусха. Ўлкашунослик картотекалари қорақалпоқ, ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Кутубхонада ўлкашунослик бўйича 15 та оммавий тадбирлар, 20 кўргазма, 20 та адабиётлар обзори ўтказилган. Китобхонларга 900 нусха ўлкашунослик адабиётлари тавсия қилинган. 270 та ўлкашунослик маълумотлари бажарилган, шундан 60 таси ёзма, 210 таси оғзаки маълумотлардир. “Гўзал ўлкам - Қорақалпоғистоним”, “Ёш ва навқирон шаҳар” мавзуларида картотекалар юритилган. “Ўлкамиз маданияти ва санъати”, “Эрназар Олақўз халқ ботири” номларида тавсия рўйхатлари тузилган. “Она диёрим-Қорақалпоғистоним”, “Орол биздан нажот қутмоқда”, “Ўлкамиз янгиликлари билан танишинг” мавзусида кўргазма ва бурчаклар ташкил этилган.

Нукус тумани МКТда “Тарихинг дoston Нукусим”, 2-тармоқ кутубхонасида “Мустақил юртнинг гўзал шаҳри” мавзуларида зинама-зина ўйинлари ўтказилган.

Чимбой тумани 2-тармоқ кутубхонасида Бердах Қарғабой ўғлининг 175 йиллигига бағишлаб “Бердах кўшиқлари билан яшаймиз” мусикали бадий кеча ўтказилган. Тўрткўл шаҳар МКТ томонидан “Нукус-70 ёшда” номли кўлланма тузилган.

Андижон ВУИҚда Бобур экспедициясининг 10 йиллиги муносабати билан “Бобур изидан” номли учрашув ўтказилган. Учрашувда “Олтин мерос”, “Бобур” жамғармаси вакиллари катнашган. Тадбирга “Бизни унутганни унутмоқ керак” номли варақа тайёрланган.

Кутубхонада кўшиқчи шоир О.Холдор таваллудининг 70 йиллигига бағишлаб “Қариллик гаштини сураётган адиб” номли кўлланма тайёрланган. Ўлкашунослик картотекаси 1440 та янги материаллар билан тўлдирилган. “Ўз ўлкамни ўрганаман” номли эсдалик, “Вилоятимиз ижодкорларини танийсизми?” номли варақа ва бошқа обзорлар орқали ўлкашуносликка оид 167 та адабиётлар китобхонларга тавсия этилган.

Асака тумани 20-тармоқ кутубхонасида Мукаррама Ғанижон кизи билан “Юртимни куйлайман” мавзусида учрашув бўлиб ўтган.

Бухоро ВУИҚ Ахборот библиография бўлимида 1998 йилдан бошлаб вилоят ўлкашунослик фонди ташкил этилган. У умумий фонднинг таркибий қисми, шу билан бирга умумий фонддан ажратилган ҳолда ташкил этилган бўлиб, 247 нусха ўзбек, рус ва бошқа тиллардаги адабиётлардан иборат.

Кутубхонада “Зебо шаҳарлараро кўп мўътабар Бухоро” номли доимий адабиётлар кўрғазмаси йил давомида янги адабиётлар билан тўлдириб борилган.

2000 йилдан бошлаб Ахборот библиография бўлими қошида “Ўлкам менинг-фахрим менинг” клуби фаолият кўрсатиб келмоқда. Клуб аъзолари томонидан адабиётлар обзори, билимдонлар беллашуви, суҳбатлар, конференциялар ва кўрик танловлар ўтказиб келинмоқда. “Кўйна Бухоронинг урф-одатлари тарихини ўрганиш (Саллабандон ва Гаворабандон маросимлари)” номли суҳбат ва “Бухоро ёдгорликлари - миллий бойлигимиз” номли билимдонлар беллашуви шулар жумласидандир. Шунингдек кутубхоналарда “Наволарда ҳаёт жилоси” (Мухтор Ашрафий таваллудининг 90 йиллигига) мусикали кеча, “Бухоро ҳунармандлари” номли кўрик танлов, “Ижод олами файласуфи” (Аҳмад Дониш таваллудининг 175 йиллигига) номли китобхонлар конференцияси ўтказилган. “Мангуликка қолган сатрлар (Т.Ҳамид таваллудининг 75 йиллигига), “Куй сеҳрига мафтунсан нечун” (М.Ашрафий таваллудининг 90 йиллигига) номли адабиётларнинг тавсия рўйхати ва “Баҳовуддин Нақшбанд ёки етти пир” мавзусида буклет тузилган. Кўйидаги мавзуларда эса картотекалар юритилган:

- Юрт дилбанди (А.Дониш таваллудининг 175 йилли-гига)

- Шайхулислом пешвоси (Баҳовуддин Нақшбанд хоти-расига)

- Ҳамкорликдаги манфаатли доришунослар (“Гуфик-Авиценна” кўшма корхонасининг 5 йиллигига)

Йил давомида ВУИК томонидан китобхонларга ўлкашуносликка оид 4873 нусха адабиётлар берилган. 600 та оғзаки маълумотлар берилган. “Бухоро вилояти ҳақидаги адабиётлар” кўргазмасидан эса 2140 та китобхон фойдаланган.

Бухоро тарихи ва маданияти тўғрисида маълумот берувчи “Танишинг, бу кизик” мавзусида адабиётларнинг ахборот рўйхати нашр қилинган.

Наманган ВУИКда “Ўлкамиз тарихини ўрганамиз”, “Шаҳримиз кўрки” мавзуларида кўргазмалар ташкил этилган. Ўзбекистон халқ шоири Х.Саъдулла билан “Водий булбули” номли шеърият кечаси ўтказилган. “Она шаҳрим Наманганим” мавзусида эса адабиётларнинг аннотацияланган тавсия рўйхати тузилган.

Янгиқўрғон тумани МКТ қошида “Ёш ўлкашунослар” клуби ташкил этилган. Клуб аъзолари иштирокида “Боғи эрам дейсиз Янгиқўрғонни” номли тадбир ўтказилган. Шу туман Мамай кишлоғининг 150-тармоқ кутубхонасида “Мамай кишлоғини ўрганамиз” номли суҳбат ўтказилган.

ВУИК йил давомида ўлкашуносликка оид 130 та тематик, 70 та фактографик, 30 та адресли маълумотларни бажарган.

Самарқанд вилояти кутубхоналарида “Менинг ўлкам”, “Самарқанд – шарқ машъали”, “Ўлкамнинг бугуни, эртаси ва келажаги” мавзуларида кўргазмалар ташкил этилган.

Нарпай туман 35-тармоқ кутубхонасида Ислом Шоир таваллудининг 130 йиллигига бағишлаб адабий-бадий кеча бўлиб ўтган. Кечага Ислом Шоир ўғли Зиёдулло бахши Исломов таклиф этилган.

Каттақўрғон шаҳар кутубхоналарида “Каттақўрғон кеча ва бугун”, “Сўфи Оллоёр салоҳияти”, “Каттақўрғонлик ёзувчи ва шоирлар” мавзуларида, шунингдек ўлканинг буюк кишилари ҳаёти ва ижодига бағишланган кўргазмалар ҳамда расмларидан панно ташкил этилган.

Нуробод тумани МКТда “Менинг ўлкам” мавзусида адабиётларнинг тавсия рўйхати тузилган. Кутубхона ходимлари ҳазрати Довуд зиёратгоҳи, Араб-ота макбараси, Остона бобо, Кучкарли ота

зиёратгоҳларига китобхонлар учун экскурсиялар уюштирдилар.

Жомбой тумани МКТда жомбойлик шоирлар билан учрашув кечаси бўлиб ўтган. Кечада маҳаллий шоирлардан Ё.Рустамов, Т.Нахалов, А.Пўлатов, Х.Ўсарова, О.Асадовалар иштирок этдилар.

Китобхонлар ўртасида ўлкашуносликка оид адабиётларни тарғиб қилиш ишлари “Кутубхона-китобхонга” ташаббуси остида китобхонларга хизмат кўрсатишнинг асосий йўналишларида амалга оширилган.

Пахтачи туманининг 25-тармоқ кутубхонасида ўлкашунослик бўлими ташкил этилган. Бўлим томонидан “Ўлкамиз тарихини биласизми?” мавзусида кўرғазма ташкил этилган.

Сирдарё вилояти Сайхунобод туман МКТда туман меҳнат қаҳрамонлари ва фахрийлари, маҳаллий ёзувчи ва шоирлар ҳақида маълумот берувчи “Сайхунобод қаҳрамонномаси” номли библиографик обзор тайёрланган.

Боёвут тумани МКТда туман тарихи, маданий ҳаёти, иқтисоди, санъати ҳақидаги адабиётлардан “Ўлкамиз тарихини ўрганамиз” мавзусида кўрғазма ташкил этилган. Болалар бўлимида “Сиз ўлкамизни биласизми?” номли тематик кеча ўтказилган.

Ховос тумани МКТда Турсунқул Турдиқуловнинг “Ховос кўҳна диёр” номли китоби бўйича китобхонлар конференцияси ўтказилган.

ВУИҚда ўлкашунослик мавзусида 25 та китобхоннинг тематик сўроқлари бажарилган.

Тошкент вилояти Ангрен шаҳар МКТда “Гулларга бурканган ўлкам”, “Суюкли ўлкам, менинг заминим” номли картотека юритилмоқда. Оқкўрғон тумани МКТда “Оқкўрғон тарихи ва келажаги” мавзусида қўлланма, “Оқкўрғон ҳақида” мавзусида буклет ҳамда “Тарихда буюк бўлган Оқкўрғоним” мавзусида эсдалик тузилган.

Зангиота тумани МКТда эса “Ўз ўлкангизни биласизми?” номли викторина ўтказилган.

Фарғона ВУИКнинг ўлкашунослик сектори фонди 1036 нусхадан иборат. Улар ўлка тарихи, санъати, қишлоқ хўжалиги, этнографиясига оид адабиётлар ва справка нашрларидан иборат. Ўлкашунослик секторига 933 та китобхон аъзо. Уларга 11672 нусха адабиётлар ва матбуот нашрлари берилган. Китобхонларнинг 233 та ўлкашунослик сўроқлари бажарилган. Китобхонлар қизиқишларига қараб 18 мартаба обзор ва суҳбатлар ўтказилган. “Ўзбекистон дурдонаси Фарғона”, “Фарғоналик қатагон қурбонлари”, “Жаҳон таниган аллома” мавзуларида кўргазмалар ташкил этилган. “Фарғона Ўзбекистоннинг гавҳари” (Фарғона вилоятининг 125 йиллигига), “Кўкон театри – 75 ёшда” номли варақалар ва “Маънавият ва шон - шуҳратнинг ўчмас овози” (Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1205 йиллигига) номли қўлланма тайёрланган. “Фарғоналик қатагонлик йиллари қурбонлари” номли картотека янги маълумотлар билан тўлдириб борилмоқда.

Хоразм вилояти Урганч шаҳар 6-тармоқ кутубхонасида Эркин Самандарнинг “Дарёсини йўқотган қирғоқ” асари бўйича китобхонлар конференцияси ўтказилган. Тадбирда асардан саҳна кўринишлари намойиш этилган.

Хива шаҳар МКТда Болабахши Абдуллаев таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб Абдулла Қурбонназаров билан учрашув ўтказилган.

Кутубхоналарда “Мағрибу машрикка машҳур диёр”, “Ўтмиши шарафли, бугуни саодатли ўлка”, “Авесто мангу ҳикмат обидаси”, “Хоразм қўйна тарих силсиласида” мавзуларида кўргазмалар ташкил этилган.

Ўлкашунослик фаолияти бўйича республикамизнинг вилоят, шаҳар, туман кутубхоналарида самарали ишлар амалга оширилганига

гувоҳ бўлди. Ўтган йилги кўрсатиб ўтилган камчиликлар деярли такрорланмаган. Юқорида келтириб ўтилган вилоят кутубхоналарининг ўлкашунослик фаолиятини ижобий баҳоладик.

Кутубхона ходимлари

Республикамизнинг 16000 дан ортиқ кутубхоналарида 24000 га яқин кутубхона ходимлари иш олиб бормоқда. Шундан 6000 га яқин ходим олий маълумотли, 2500 га яқин ходим олий махсус кутубхоначилик, 12000 га яқин ходим эса ўрта махсус кутубхоначилик маълумотига эга ходимлардир.

Маданият ишлари вазирлиги тизимидаги оммавий кутубхоналар (5735 та) нинг ходимлари 10264 тани ташкил этади. Шундан маълумоти бўйича 2318 та ходим олий, 1729 та ходим олий махсус кутубхоначилик, 4320 та ходим эса ўрта махсус кутубхоначилик маълумотига эга ходимлардир.

Кутубхоналарнинг моддий-техник базаси

Республикамиз оммавий кутубхоналари (5735 та) нинг 60 таси андозали биноларда жойлашган. 5675 та кутубхона эса мослаштирилган биноларда фаолият кўрсатмоқда. 52 та кутубхона таъмирлашга муҳтож. Ўтган 2001 йилга нисбатан таъмирлашга муҳтож кутубхоналар сони 146 тага камайди. Вилоятлар бўйича эса Тошкент вилоятида 78 та, Андижон вилоятида 54 та, Бухоро ва Навоий вилоятларида 51 тадан кутубхоналар таъмирлашга муҳтож. 31 та кутубхоналар шикастланган биноларда жойлашган. Ўтган йили бу кўрсаткич 49 тани ташкил этган эди. Тошкент вилоятидаги 8 та кутубхона, Сирдарё вилоятидаги 7 та кутубхона шикастланган биноларда жойлашган.

Хулоса

2002 йилнинг ҳисоботларига хулоса қиладиган бўлсак, кутубхоналарнинг барча бўлимларидаги ютуқ ва камчиликлар, муаммолари ҳақида озми кўпми тўхталдик, таҳлилий фикр юритдик. Ҳисоботларни синчиклаб ўқиб ҳар бир вилоят кутубхоналарининг амалга оширган иш фаолиятларидан фойдаланишга ва улар хусусида фикрларимизни баён қилишга ҳаракат қилдик. Кутубхонамизнинг Илмий методик бўлими ходимлари ўртасида ҳисоботлар муҳокама қилиниб илғор иш тажрибалари таништирилди. Методик, библиографик қўлланмалар асосида кўргазма ташкил этилди. Бу йилдан эътиборан бошқа вазирликлар тизимидаги кутубхоналар ҳақида ҳам жадваллар асосида янада тўлиқроқ маълумот беришни лозим топдик. Келгуси йилда бу ишимизни давом эттираемиз. Шунинг эътиборига олиб кутубхона раҳбарларидан 6-НК ва йиғма ҳисоботларни тўлиқ (аниқ маълумотлар асосида) топширишларини сўраймиз. Ҳисоботлардаги ҳар бир бўлимлар ҳақида маълумотлар тушириб қолдирилмаслиги шарт. Бу йилда кутубхонамизга ҳисобот топширмаган вилоятлардан келгуси йилда ҳисоботларини тақдим этади, деб умид қиламиз.

Албатта обзор орқали кутубхонашунослик соҳасидаги барча ишлар ҳақида маълумот бердик, деб айта олмаемиз. Биз фақат айрим муҳим бўлган бўлимларгагина тўхталдик, холос. Ўз навбатида кутубхона раҳбарларидан обзор ҳақида фикр мулоҳазаларини билиш ниятидаемиз. Ҳисоботларда бу ҳақда таклиф ва истакларингизни, фикр мулоҳазаларингизни кутиб қоламиз.

Вилоят кутубхоналарининг ҳисоботлари ичида Андижон, Бухоро ва Самарқанд вилоят кутубхоналари ҳисоботларининг мазмуни, иш тажрибалари,

маълумотлар базасининг тўлақонлигини ҳисобга олиб, 2002 йилнинг энг яхши ҳисоботи деб баҳоладик. 2003 йилда энг яхши ҳисоботлар сони янада кўпайишини истаб қоламиз.

**Маданият ишлари вазирлиги тизимидаги оммавий кутубхоналарнинг
2002 йилги асосий кўрсаткичлари**

№ тр	Вило- ятлар	Кутуб хона- лар сони	Кутубхона фонди		Олинган янги адабиётлар сони		Китоб хон- лар сони	Китоб берилиши		Кутубхона ходимлари сони			
			Жами	Шу жумла- дан ўзбек тилида	Жа ми	Шу жум- ладан ўзбек тили- да		Жами	Шу жумла- дан ўзбек тилида	Маълумоти бўйича			
										Олий	Олий махсус	Ўрта махсус	
1	ҚК Респ.	443	4542,5	1184,7	10,2	3,5	329,1	6747,3	2311,5	731	163	147	401
2	Анди жон	479	6154,3	3328,9	11,8	10,9	593,5	1325,6	1622,7	873	181	154	325
3	Бухоро	451	3212,5	1664,4	15,8	15,1	394,3	6716,9	5658,2	842	127	91	665
4	Жиззах	265	1756,0	948,1	19,8	18,6	197,0	3683,3	3019,4	443	75	51	77
5	Навоий	253	1893,6	1030,9	3,5	3,4	199,5	3086,1	2688,7	433	75	57	240
6	Наманган	412	5426,7	2995,9	12,5	11,2	430,7	8789,1	7209,1	740	119	100	482
7	Самарқанд	740	5619,7	3029,2	17,1	15,1	721,8	12828,0	10556,8	1260	410	221	390
8	Сирдарё	198	1745,0	754,3	0,9	0,8	158,9	2658,7	1641,3	355	53	40	97
9	Сурхондарё	413	3428,7	1651,8	4,5	3,6	370,3	7310,5	6175,0	722	75	57	180
10	Тошкент	501	7295,4	2925,5	16,5	13,5	516,4	10007,9	6206,8	900	249	203	258
11	Тошкент ш.	106	2609,4	423,7	8,3	4,6	212,8	4307,2	1246,6	352	177	110	36
12	Фарғона	593	6015,6	3445,2	26,3	16,9	563,1	9978,6	7981,1	1122	231	169	439
13	Хоразм	415	4453,7	2134,7	6,4	5,9	379,7	5277,2	4297,5	656	211	197	289
14	Кашқадарё	464	3388,9	2157,5	22,4	22,1	302,7	5385,9	4428,4	796	125	99	436
15	Дав. бол. кутуб.	1	238,7	23,5	0,6	0,1	12,6	391,9	78,2	40	33	20	1
16	Респ. Кўзи ожиз. кутуб	1	148,1	27,8	1,5	1,5	5,0	113,9	58,2	14	14	6	4
	Жами	5735	57928,8	27726,1	177,9	146,8	5387,1	88608,1	65179,5	10264	2318	1729	4320

							4						
--	--	--	--	--	--	--	---	--	--	--	--	--	--

**Республика оммавий кутубхоналарининг 1992-2002
йиллардаги асосий кўрсаткичлари**

Асосий кўрсаткичлар	1992 йил	2002 йил
Кутубхоналар сони	6765	5735
Шу жумладан кишлоқда	5760	4735
Кутубхоналар фондининг миқдори (минг нусхада)	81859,8	57928,8
Шу жумладан кишлоқда	49119,0	35027,8
Умумий сонга нисбатан ўзбек тилидаги адабиётлар	37623,0	27726,1
Шу жумладан кишлоқда	30343,5	18154,1
Олинган янги адабиётлар	2837,5	177,9
Шу жумладан кишлоқда	1821,3	92,3
Умумий сонга нисбатан ўзбек тилида	1459,1	146,8
Шу жумладан кишлоқда	1186,3	82,7
Аҳолининг бир кутубхонага тўғри келадиган ўртача сони	3210	4368
Шу жумладан кишлоқда	2251	3322
Китобхонлар сони (минг киши)	6178,8	5387,5
Шу жумладан кишлоқда	4335,8	3598,9
Бир кутубхонада ўртача китобхонлар сони	913	939
Шу жумладан кишлоқда	753	760
Бир кутубхона учун китобларнинг ўртача сони	12,1	10,1
Шу жумладан кишлоқда	8,5	7,3
Бир киши учун китобларнинг ўртача сони	3,8	2,3
Шу жумладан кишлоқда	3,8	2,2
Ўртача китоб ўқилиши	21	16,4
Шу жумладан кишлоқда	20	15,7
Умумий китоб берилиши	129340,7	88608,1
Шу жумладан кишлоқда	84682,8	56830,7
Ўзбек тилидаги китобларнинг берилиши	85432,9	65179,5
Шу жумладан кишлоқда	68754,2	44086,8
Китоб айланиши	1,6	1,5
Кутубхоначи ходимлар сони	12182	10264
Шу жумладан кишлоқда	7661	6002
Олий махсус маълумотли кутубхоначи ходимлар сони	2650	1729
Шу жумладан кишлоқда	1214	834
Ўрта махсус кутубхоначи маълумотчилар сони	4708	4320
Шу жумладан кишлоқда	3461	2807
Тўлиқ таъмирлашни талаб қилувчи кутубхоналар сони	1301	552
Шикастланган биноларда жойлашган кутубхоналар сони	204	31

Ўзбекистон Республикаси кутубхоналарининг 2002 йилги асосий кўрсаткичлари

№ т/р	Вазирликлар	Кутубхоналар сони	Кутубхона фонди		Олинган янги адабиётлар сони		Китобхоналар сони	Китоб берилиши		Кутубхона ходимлари сони	Маълумоти бўйича			
			Жами	Шу жумладан ўзбек тилида	Жами	Шу жумладан ўзбек тилида		Жами	Шу жумладан ўзбек тилида		Жами	Маълумоти бўйича		
												Олий	Олий махсус	Ўрта махсус
1.	Ўзбекистон Миллий кутубхонаси	1	10177,5	593,1	19,1	7,4	16,9	489,9	67,3	50	130	90	30	
2.	Маданият ишлари вазирлиги	5735	57928,8	27726,1	177,9	92,3	5387,5	8608,1	5179,5	0264	2318	1729	4320	
3.	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги*	61	21220,7	7956,0	593,9	449,4	225,4	15037,8	8572,1	1257	484	276	243	
4.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги**	24	3261,0	681,8	45,2	35,2	128,4	2691,0	779,4	271	110	56	44	
5.	Фанлар академияси	27	6951,1	155,4	27,3	9,7	25,5	1427,4	77,1	180	83	39	10	
6.	Халқ таълими вазирлиги	9671	50268,9	11005,1	8463,6	6773,4	5177,9	73697,8	51660,4	10862	2303	-	6430	
7.	Киньлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги	10	1196,9	64,7	1,7	0,9	4,2	76,6	-	30	12	10	8	

* Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизими кутубхоналари сонига барча вазирлик тизими олий ўқув юртлари кутубхоналарининг маълумотлари киритилган, аммо бу ерда ўрта махсус (касб-ҳунар коллежлари) ўқув юртларининг кутубхоналари тўғрисидаги маълумотлар берилмаган.

** Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги кутубхоналар тўғрисидаги маълумотларга бу тизимдаги барча тиббиёт олий ва ўрта махсус ўқув юртлари кутубхоналари маълумотлари ҳам киритилган.

Босишга рухсат этилди 2003 йил _____
Бичими ____нашр. т. ____ нусха. Буюртма № ____

Тошкент, Х.Сулаймонова кўчаси,33 уй. Алишер
Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг
босмахонасида чоп этилди

**Республика оммавий кутубхоналарининг 1993-2003
йиллардаги асосий кўрсаткичлари**

Асосий кўрсаткичлар	1993 йил	2003 йил
Кутубхоналар сони	6764	5741
Шу жумладан қишлоқда	5762	4747
Кутубхоналар фондининг миқдори (минг нусхада)	81486,4	57143,7
Шу жумладан қишлоқда	49232,7	34553,0
Умумий сонга нисбатан ўзбек тилидаги адабиётлар	37170,7	26966,4
Шу жумладан қишлоқда	29935,5	21127,1
Олинган янги адабиётлар	2406,6	201,1
Шу жумладан қишлоқда	1755,9	116,8
Умумий сонга нисбатан ўзбек тилида	1156,2	165,0
Шу жумладан қишлоқда	881,4	103,9
Аҳолининг бир кутубхонага тўғри келадиган ўртача сони	3282	4476
Шу жумладан қишлоқда	2310	3440
Китобхонлар сони (минг киши)	6228,7	5420,7
Шу жумладан қишлоқда	4370,7	3648,7
Бир кутубхонада ўртача китобхонлар сони	921	944
Шу жумладан қишлоқда	759	768
Бир кутубхона учун китобларнинг ўртача сони	12,1	9,9
Шу жумладан қишлоқда	8,5	7,2
Бир киши учун китобларнинг ўртача сони	3,7	2,2
Шу жумладан қишлоқда	3,7	2,1
Ўртача китоб ўқилиши	21	18,5
Шу жумладан қишлоқда	20	18,0
Умумий китоб берилиши	131230,4	100578,6
Шу жумладан қишлоқда	87910,2	65372,4
Ўзбек тилидаги китобларнинг берилиши	90286,4	74888,4
Шу жумладан қишлоқда	73106,3	52536,3
Китоб айланиши	1,6	1,7
Кутубхоначи ходимлар сони	12243	10379
Шу жумладан қишлоқда	7593	6054
Олий махсус маълумотли кутубхоначи ходимлар сони	2681	1640
Шу жумладан қишлоқда	1223	800
Ўрта махсус кутубхоначи маълумотчилар сони	4721	4463
Шу жумладан қишлоқда	3269	2937
Тўлиқ таъмирлашни талаб қилувчи кутубхоналар сони	1218	970
Шикастланган биноларда жойлашган кутубхоналар сони	220	74